

ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИДА БАКТЕРИАЛ ОППОРТУНИСТИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ РОЛИ

М.Т. Каримова, Ф.У. Каримова, З.К. Абдурахимова, М.Т. Зубайдуллаева

Тошкент тиббиёт академияси

Тадқиқот мақсади: ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларда бактериал оппортунистик инфекциялари резистент штаммлари тарқалган даражасини ўрганиш ҳамда касалликнинг босқичи ва динамикасига асосланган ҳолда резистентлик даражасини аниқлаш.

Материал ва услублар. Тадқиқот ишида ОИТС га қарши кураш марказининг махсуслашган клиникасида даволанган 52 нафар ОИВ билан инфицирланган беморларнинг клиник текширув натижалари кўрсатилган.

Ушбу беморларга ўртача $4,1 \pm 0,6$ йил илгари “ОИВ-инфекцияси” ташҳиси қўйилган. Беморлар ҳаёт анамнезига кўра ОИВ-инфекцияси 36 ($69,2 \pm 8,0\%$) нафарига парентерал йўл орқали юққан, улардан 12 ($23,1 \pm 5,9\%$) нафари гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилувчи шахслар гуруҳига мансуб бўлган.

Беморларни касалхонада даволаниш куни ўртача $10,7 \pm 1,0$ кунни ташкил қилган. Тадқиқот ишини бажариш давомида қуйидаги текширув усулларида фойдаланилган: клинко-лаборатор; бактериологик (бемор ахлати ва томоқдан суртмани экиш).

Олинган натижалар ва уларнинг тахлили. Кузатувдаги беморлар шифохонага келиш даврида асосий шикоятлари: иччи суюқ келиши, қорин дам бўлиши ва қорин соҳасидаги оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши билан бир қаторда томоқда қичишиш ҳиссини бўлиши ва томоқ соҳасидаги оғриқ, қуруқ йўтал бўлган.

Оппортунистик инфекцияларни аниқлаш мақсадида ушбу кузатувдаги беморлар томоғидан олинган суртма ва беморлар ахлати бактериологик текширув учун экилди. Олинган бактериологик текширув натижаларига кўра, беморлар томоғидан олинган суртма намуналаридан $56,0 \pm 7,0\%$ (29 та) да кандидоз ва $38,5 \pm 6,8\%$ (20 та) ҳолатларда стрептококк қўзғатувчилари ажратиб олинган. Томоқ суртмасидан ажратиб олинган умумий

кандидозларнинг $44,8 \pm 9,4\%$ (13 та) *C. albicans* ташкил қилган. Ажратиб олинган стрептококкларнинг катта қисмини $50,0 \pm 11,5\%$ (10 та) *Str. faecium* эгаллаган. Шу билан бир қаторда томоқдан олинган суртма намуналарининг $19,2 \pm 5,5\%$ (10 та)да *E. Coli* ажратиб олинган.

Кузатувдаги беморлар ахлатини экишдан кейинги олинган натижаларга кўра, $11,5 \pm 4,5\%$ (6 та) ахлат намунасида кандидоз ва $28,8 \pm 6,3\%$ (15 та) стрептококк ҳамда яна $28,8 \pm 6,3\%$ (15 та) *E. coli* ажратилган. Ахлат намуналаридан ажратиб олинган кандидозларнинг $100,0 \pm 0,0\%$ (6 та) ни ҳам *C. albicans* ташкил қилган. Ажратиб олинган стрептококкларнинг $93,3 \pm 6,7\%$ (14 та) ҳолатларда *Str. aerogenes* ташкил қилган. $32,7 \pm 6,6\%$ (17 та) ахлат намуналарида юқоридагилар билан бир қаторда турли хил оғирлик даражасидаги ичак дисбактериози ҳолати ҳам аниқланган. Ахлат намуналаридан ажратиб олинган *E. coli* $93,3 \pm 6,7\%$ (14 та) ни лактоза манфий *E. coli* лар ташкил қилди.

Кузатувдаги беморлар клиник белгилари тахлили шуни кўрсатдики, кузатувдаги 52 нафар беморлардан 32 ($62,0 \pm 6,8\%$) тасида касаллик аниқланганига ўртача $4,1 \pm 0,6$ йил бўлишига қарамасдан ОИВ-инфекциясининг 3 - даражаси ва 8 ($15,4 \pm 5,1\%$) нафарида касалликнинг 4 - даражаси ривожланганлиги аниқланди.

Хулоса. Бизнинг фикримизча, ахлат ва томоқдан олинган суртма намуналарини бактериологик текширув натижаларига асосланган ҳолда ОИВ-инфекциясининг оғирлик даражасини ва иммунодефицит даражасини аниқлаш мумкин. Клиник белгиларни бактериологик тахлил натижаларига нисбатан аниқланган номуносивиблик оппортунистик инфекция белгиларини силлиқланишига ҳамда бошқа белгиларнинг, масалан, ошқозон-ичак тизими белгиларини, жўшқин ривожланишига сабаб бўлувчи иммунодефицит ҳолатига боғлиқ.

АНАЛИЗ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ ОСТРЫХ КИШЕЧНЫХ ИНФЕКЦИЙ

И.А. Касымов, Ш.Ш. Шомансурова, Д.М. Атамухамедова, Б.И. Бурибаева

Ташкентский педиатрический медицинский институт

В современных условиях проблема острых кишечных инфекций (ОКИ) приобретает

выраженную клинко-эпидемиологическую и социально-экономическую значимость.